



# MILLIY TIKLANISH

55 (427)

2016 йил 2 декабрь, жума

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Миллий тикланишдан — миллий юксалишга!

Сайлов — 2016

### Сайловга тайёрмиз

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил демократик ислохотлар натижасида миллий ва халқаро мезёр ҳамда талабларга жавоб берадиган мустақкам сайлов қонунчилиги яратилди. Бугун барча юрtdошимиз мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини юқори савияда ўтказиш бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ишлари, сайловолди ташвиқоти жараёнига дахлдорлик ҳисси ва масъулият билан ёндашмоқда.

Телевидение, радио, матбуот, Интернет нашрлари, ташқи рекламалар воситасида сайловга оид бериб борилаётган ахборот ва маълумотларни диққат билан кузатиб боришяпти. Ҳамюртларимиз сиёсий партиядан Президентликка кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди Дастурларини муҳокама қилиб, ўзаро фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқда. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан бўлаётган юзма-юз мулоқотларда фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилишаётир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда сиёсий партияларнинг марказий ва ҳудудий ташкилотлари сайлов штаблари, уларнинг Интернетдаги веб-сайтларига муурожаат қилиб, сайлов қонунчилиги, сайлов кампаниясининг бориши, номзодлар ҳақида маълумотлар олишяпти. Фуқароларнинг бундай саъй-ҳаракатлари, сайлов жараёнига масъулият билан муносабатда бўлаётгани уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданияти юксалаётганидан, мамлакат келажаги ва ўз тақдирига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови арафасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари, сайлов участкалари аъзолари ҳамда фуқаролар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган ёш сайловчиларнинг ушбу жараён ҳақидаги фикрлари, сайловга қай даража тайёр эканликлари билан қизиқдик.

> 3-бет.

Юзма-юз



### Ишончли вакил билан учрашувлар

сайловчилар фаоллигида ўтди

Ўтаётган ҳар бир лаҳза бизни мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига яқинлаштирмоқда. Ҳар бир ватандошимиз мазкур жараён мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини, фарзандларимизнинг бахтли келажаги билан бевосита боғлиқ эканини тегинг англамоқда. Шу боис ҳам сайлов жараёни ва номзодлар Дастурида илгари сурилган асосий йўналиш, мақсад-вазифалар фуқароларнинг диққат марказидаги мавзуга айланган: ёш кекса мамлакат раҳбарини сайлаш жараёнига фаол ва онгли равишда муносабатда бўлмоқда.

Бу номзодларнинг ишончли вакиллари билан бўлаётган юзма-юз мулоқотларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Сурхондарё. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Сурхондарё

вилоятидаги ишончли вакили, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Баҳодир Худойкулов Бойсун, Муэрабод, Қизирик, Шеробод, Жарқўрғон, Ангор, Қумқўрғон туманларида сайловчилар билан учрашди. Учрашувларда ишончли вакил номзоднинг сайловолди Дастури, ундаги энг муҳим йўналишлар ҳақида сўз юритди.

Ангор туманидаги 9-муқса ва санъат мактабида ўтказилган учрашув сайловчилар фаоллигида ўтди.

— Номзоднинг сайловолди Дастурида ўзлигини англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутиши маънавий-маърифий соҳадаги муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган, — деди Баҳодир Худойкулов. — Дастурда миллий ўзликини англаш, миллий гуруру ва қадр-қиммат туйғусини мустақкамлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилгани, **миллий тикланиш, авваламбор, миллий ўзликини англаш демократик** ғояси илгари сурилиши келажак авлоднинг шу юртга муносиб авлод бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

> 2-бет.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни

### Замонавий ривожланган демократик давлат куриш — пировард мақсадимиз

Мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг энг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти жараёни якунига етмоқда. Кўппартиявийлик ва муқобилик асосидаги сайлов ҳуқуқий демократик давлат бапро этиши, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим белгиларидан бири саналади. Сайловлар воситасида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошади, ҳуқуқий маданияти юксалади, сайловчилар ўз фикри, муносабати ва хоҳиш-иродасини эркин билдириш имконига эга бўлади. Ана шу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан кўрсатилган номзод Сарвар Отамуратов ҳам ўз сайловолди Дастури билан фаол иштирок этмоқда.

Партияимиз номзоди сайловчиларга бугунги реал воқеликдан келиб чиқиб, мамлакатнинг барча соҳасини ривожлантириш, партия мақсад-вазифаларини амалга оширишнинг етти муҳим йўналишини тақлиф қилмоқда. Бир қанча янги ғоя, амалий ташаббусларни илгари сураёттир.

> 3-бет.

### Сайлов маданияти

— Кўпинча матбуот орқали "сайлов маданияти" деган тушунчани эшитамиз, унинг асосий белгилари нималарда намоён бўлади?

Шокир ЖАЛОЛОВ, Самарқанд вилояти

— Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва қонуний тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли давлатимиз тобора жадал тараққий этмоқда. Ватанимизнинг изчил ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти негизда халқимизнинг юксак ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти ётибди десак, ҳеч муболага бўлмайди. Чунки ҳар бир юрtdошимизнинг сиёсий фаоллиги, ўзгариш ва янгиланишларга унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим омилдир.

Қонунни ҳурмат қилиш жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият ёки сайлов маданияти бири ик-

кинчисини тўлдирувчи тушунчалар ҳисобланиб, ҳар иккаласи ҳам қонунларни ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш, риоя қилиш демократик. Шу сабабли ҳам маданиятлик белгилари расмий ва норасмий қонун-қоидаларни, урф-одатларни қадрлаш, уларга итоат этиш, риоя қилиш ва бу борада ўрнатилган аломатлари билан намоён бўлади.

Сайлов маданияти деганда, сайловчиларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиб, сайловда фаол иштирок этиши, шунингдек, уларнинг ҳамда сайлов ташкилотчиларининг сайловни ўтказиш, унда қатнашиш ва овоз бериш чоғида амалдаги қонунларга, ўрнатилган тартибларга амал қилиши, сайлов қатнашчиларининг бир-бирларини ҳурмат қилиши тушунилади. Сайлов маданияти умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ақмал РАҲМОНОВ, юридик фанлар номзоди, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Феруз БУРҲОНОВ, Ўзбек миллий академик драма театри актёри:

— Мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш ЎзМТДПнинг асосий йўналишларидан биридир.

Мен "Milliy tiklanish"ни танладим. Сиз-чи?

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158







